

Ҳаёт – энг олий нэъмат!

СУИЦИДОЛОГИЯНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

БУХОРО, САМАРКАНД
(27-29 апрел 2019 йил)

Проф. ИБОДУЛЛАЕВ
Зарифбой Ражабович
Тошкент тиббиёт академияси

БУГУНГИ МАЪРУЗАДА КЎТАРИЛАДИГИН АСОСИЙ МУАММОЛАР

1

- ДУНЁ МИҚЁСИДА СУИЦИД ҚАНДАЙ ТАРҚАЛГАН?

2

- СУИЦИД САБАБЛАРИ НИМА ВА КИМЛАРДА КЎП УЧРАЙДИ?

3

- СУИЦИД ПРОФИЛАКТИКАСИ ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

4


- СУИЦИДДА ПСИХОТЕРАПИЯ

МУАММОНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ


- Ўзи ҳохлаб, яъни билиб туриб ўз жонига қасд қилишга суицид (*лот. sui caedere* – ўзини ўлдирмоқ) деб айтилади. Суицид барча давлатларда глобал ижтимоий-психологик муаммога айланган. Айниқса, унинг болалар ва ўсмирлар орасида кўп учраётгани жамоатчиликни қаттиқ хавотирга солмоқда.

Дунё бўйича қанча одам ўз жонига қасд қиласди?

Ўз жонига қасд қилиш – 20 млн.



Шулардан тирик қолади – 19 млн.



Ҳаётдан кўз юмади – 1 млн.

Суицидга урингандарниң қанчаси тирик қолади?

Суицидга уриниб тирик
қолғанлар 19 баробар күп
учрайди.




Үз жонига қасд қилишга
уриниб, тирик қолғанларга
нисбатан “суицидга уриниш”
ибораси қўлланилади.





Дунё бўйлаб 100 000 аҳолига
16 суицид тўғри келади.

Дунё бўйлаб энг кўп суицид кузатиладиган давлатлар (100 000 аҳоли сонига, 2016 йил)



Ачинарли факт!



Дунё бўйлаб ҳар 40 сонияда
суицид сабабли битта одам
ҳаётдан кўз юмади.




Ривожланган давлатларда суицид күрсаткичлари

(100 000 аҳоли сонига, 2016 йил)




Мусулмон давлатларида сүицид кўрсаткичлари анча паст, 2016 йил (100 000 аҳоли сонига, 2016 йил)



1-Қирғизистон; 2-Ўзбекистон; 3-Туркия; 4-Туркманистон; 5-
Бахрейн; 6-Саудия Арабистони; 7-Тожикистон; 8-БАА; 9-Қувайт

Йиллаб уруш гирдобида бўлган давлатларда ҳам суицид кўрсаткичлари анча паст, 2016 йил



Кариб денгизи ва Багам ороллари атрофи давлатларида
суюцид жуда кам учрайди ёки учрамайди.

Берилаётган кўрсаткичлар ростми?

- Суицидологлар фикрича, ушбу кўрсаткичлар турли давлатларда расмий статистикада кўрсатилган маълумотлардан анча юқори бўлиши мумкин. Чунки, баҳтсиз ҳодиса билан суицидни ҳар доим ҳам фарқлаш осон эмас ва баъзи давлатларда суициднинг ҳақиқий кўрсаткичи яширилади.

Ушбу касб эгалари суицидга мойил

1. Авиадиспетчерлар
2. Учувчилар
3. Банкирлар
4. Судъялар
5. Менежерлар
6. Полициячилар
7. Ҳарбийлар
9. Рок мусиқачилари



Тиббиёт ходимлари орасида суицид кимларда кўп учрайди?

Реаниматолог



Психиатр



Хирург




Қайси касб эгаларида суицид кам учрайди?

- 1 • Кутубхоначилар
- 2 • Музей ходимлари
- 3 • Ўқитувчилар
- 4 • Боғча тарбиячилари

СУИЦИДГА УНДОВЧИ АСОСИЙ ОМИЛЛАР

Европа дунё ОАВ: “Интернетда суицидга ундовчи сайлар нега күпаймоқда. Ҳукумат нега жим? Фарзандларни асрайлик?”

“Инстаграмм қизимнинг ўз жонига қасд қилишига ёрдам берди”. Ижтимой тармоқларни реформа қилинсин!
Фарзандларимизни интернет хужумидан асранг. Англия, 2010 йил



Она фарёди: “Ёлғизгина ўғлим ўртоғи билан ўзини 23-қаватдан ташлаб жон берди. Эй худойим!”. Жанубий Корея, 2005 йил.

Суицид кўпайиши давлари?



3-давр:



• 2000-йиллар

2-давр:



1990-йиллар

1-давр:



1960-йиллар

Ўтган асрнинг бахтли инсонлари... Чунки соғлом
фикрни бузадиган виртуал дунё бўлмаган.



Узоқ масофада туриб инсоннинг нафақат руҳини, балким жисмини ҳам ўлдириш үсули



Ўлдираман!!!



ИНТЕРНЕТ-

Ҳамма айб интернетдами? Ривожланиш нима бўлади? Илм-фанчи?!



Суициднинг 4 душмани



Суицидни олдини оладиган 4 мўжиза!

- Илм** → Дунёни тўғри англатади
- Меҳнат** → Ҳаёт қадрига етади
- Спорт** → Рӯҳ ва танани чиниктиради
- Дин** → Эътиқодли, садоқатли ва диёнатли қиласи

Ҳар бир ота-она, устоз ва мураббий ҳамда психологларнинг асосий вазифалари манашулар. Ушбу 4 қоидага илк болалик давридан бошлаб амал килишимиз керак!

Суициднинг ёшга боғлиқлиги

10 ёшгача бўлган суицид – бу англанмаган суицид

10 ёшгача бўлган даврда бироннинг кўрсатмаси орқали ўз жонига қасд қилинади. Бола бу ишни англамасдан қиласди, айниқса интернет орқали юборилган “топшириқ” сабабли.

Суицид одатда 12 ёшдан кейин бошланади

12 ёшдан кейин “Мен” онги жадал шаклланиб бошлайди. Унга кўрсатилган қаршилик “Ўсмирлик агрессияси” ни шакллантиради ва “Мени ҳохлашмаяпти” фикри шаклланади.

14-17 ёш – энг кўп суицид

1. “Мен” онгини ҳимоя қилишга уриниш;
2. Ота-онадан қасд олиш;
3. Ҳимоясиз севги;
4. Интернет қулига айланиш

Қайси даврда суицидга мойиллик күчаяди?

1-давр:

14-24

ёшлар;

2-давр:

35-55

ёшлар

3-давр:

70-80

ёшлар

Бирок энг ҳавфли давр – 14-17 ёш!


Ребекә әнг ҳавфун ғавб – ІІ-ІІІ үйі

Ёшларда(14-19 ёш) суициднинг асосий сабаблари

Ота-она билан келишмаслик
Севги-муҳаббат мажораси



Гиёҳвандлик
Фанатизим



Психопатия
Тақлид қилиш



Ўрта ёшда (35-55 ёш) суициднинг асосий сабаблари

- 
- 1 • Оилани боқишдаги иқтисодий қийинчиликлар
 - 2 • Ишдаги муваффақиятсизликлар (кредит ва ҳ.к.)
 - 3 • Өғир касалликлар (рак, ОИТС, сил ва ҳ.к.)

Кекса ёшдаги (70-80 ёш) суицид саблари

Ёлғизлик (турмуш
үртоғидан жудо бўлиш)




Қаровсиз қолиш
(фарзандлар
эътиборсизлиги)




Деменция, депрессия,
рак касаллиги


Суицид негизида нима ётади?



Ўсмирда - истерик ҳулқ-атвор




Ўрта ёшда – даромад йўқлиги



Қарияда - ёлғизлик

Суициднинг жинсга боғлиқлиги


Ўсмирлик даври: ўғил/қиз – 1:3




Ўрта ёш: эрк/аёл – 3:1




Кекса ёш: эрк/аёл – 2:1



Суицидал уриниш кимда кўп?



Суицидал уриниш **аёлларда**
3-4 баробар кўп учрайди.



Эркаклар эса бир ёки икки
уринишдан сўнг ўлим билан
тугалланадиган суицидни
дарров амалга оширишади.

Суицид наслга боғлиқми?

- Суицид наслга боғлиқ әмас, деб ҳисобланади. Бироқ яқин оила аъзоларида суицид учраши боис бу ҳолатга **наслий мойиллик** бор дегувчи гипотезалар ҳам мавжуд.
- Яқин қариндошларда кетма-кет суицид рўй бериши **таклид** кўринишида намоён бўлаётган фалокатли ҳолат, деб ҳам қаралади.
- Ҳар ҳолда суицид билан насл орасидаги боғлиқликни янада **мукаммал ўрганиш** керак.



Суицид таълим даражасига боғлиқми? Ҳа!



Таълим қанча
юқори бўлса...



Суицид шунча
кам бўлади!

Унда нима учун ривожланган давлатларда суицид кўп? Чунки...



ДЕПРЕССИЯ

ГИЁХВАНДЛИК



КРЕДИТГА
ЯШАШ

СУИЦИД

ВИРТУАЛ
ҲАЁТГА
ШЎНҒИШ



Африка! Бразилия! Осиё! Хиндистон! Эскимослар, аборигенлар, бедуинлар



Цивилизациядан айрилган
худудларда ўз жонига ва
бировлар жонига суицид
ритуалга айланган...

Суицидга турткы бўлувчи касалликлар

- 1 • ОИТС
- 2 • ДЕПРЕССИЯ
- 3 • РАК
- 4 • ШИЗОФРЕНИЯ
- 5 • ГИЁХВАНДЛИК

ҲАР ҚАНДАЙ ДИН СУИЦИДНИ ҚОРАЛАЙДИ!

Оллоҳ берган ҳаётни
фақат унинг ўзи қайтариб
олишга ҳақли!

Кимки ўз жонига қасд
қилса, унга жаноза
ўқилмасин, наинки у
жаҳаннамда қийноқларга
солингай...




Жамият ва суицид

- Демократик жамият ва ижтимоий адолат қонунларига амал қилинадиган, инсон ҳуқуқлари эътироф этиладиган, инсон манфаати ҳар қандай манбаатдан устун қўйилган ва қонун устуворлиги таъминланган давлат ва жамиятда ўз жонига қасд қилишлар жуда кам учрайди.



Суицидологияда психодиагностика

Суицидологияда психодиагностиканинг асосий мақсадлари

- 
- 1 • СУИЦИДГА МОЙИЛ ШАХСЛАРНИ АНИҚЛАШ
 - 2 • СУИЦИДАЛ УРИНИШ МОТИВЛАРИНИ АНИҚЛАШ
 - 3 • УЛАР БИЛАН ДОИМИЙ КОНТАКТ ЎРНАТИШ

СУИЦИДГА ҚАРШИ ОМИЛЛАР

1

- Ҳомиладорлик – суицидга қарши әнг күчли омил;
- Бола әмизиш – суицидга қарши әнг күчли омил;

2

- Ота-она мұхаббати – суицидга қарши әнг күчли омил;
- Ихтирочилик, кашфиёт қилиш – суицидга қарши әнг күчли омил;

3

- Ижодкорлик – суицидга қарши әнг күчли омил;
- Динга әътиқод – суицидга қарши әнг күчли омил.

4

- Ижтимоий ҳимоя – суицидга қарши әнг күчли омил;
- Яхши ва маблағ билан таъминланғанлик – суицидга қарши омил.

СУИЦИД ТУРЛАРИ

Яширин

Ниятини сир тутади.
Бундайлар дерли 20 %.
Хавфли гурӯҳ!

Тантановор

Ҳаммага айтиб
юради. Бундайлар
деярли 80 %

Яширин суицид қандай рўй беради?

Ҳеч кимга билдиrmай ўз жонига қасд қилишга яширин суицид деб айтилади. Бундай шахс ниятини қаттиқ сир тутади. Керак бўлса ўша куни оила аъзолари билан “дилдан” сухбатлашиб ўтиради, уйини саранжом-саришта қилиб йиғишириади, дўстининг туғилган кунига совға-салом билан ташриф буюради ёки курсдошининг никоҳ тўйида иширок этади, хатто рақсга тушади ва уйга қайтгач ҳаммани аросатда қолдириб қабиғ ниятини шу кечасиёқ амалга оширади.

Тантанавор сицид. Уни олдини олса бўлади.

- Ўз жонига қасд қилишни ошкор қилиб юриб, сўнгра бу иш амалга оширилса *тантанавор сицид* ҳақида сўз боради. Бундай сицид, одатда, ўсмирлар учун хос. Ўсмир нимадандир қониқмаса, севгисига етолмаса, қайсидир талаби бажарилмаса ёки унга нисбатан зўғум ўtkазилса сицидал хаёлларга боради ва тантанавор сицидга қўл уриши мумкин. Уларнинг аксарияти нома ёзиб қолдиришади.

Тантановор суицидни олдиндан билиш мүмкин.

- Тантановор суицидни амалга ошиromoқчи бўлган шахс ўз мақсадини яқинларига билдириб туради. Уларга қаттиқ талаб қўяди. Ҳаётдан норозилиги унинг хатти-ҳаракатлари ва нутқидан билиниб туради. Унинг нега шу фикрга келганини аниқлаб, талаблар қондирилса суицидни бартараф этиш мумкин. Баъзида ота-оналар унинг гапига эътибор қилишмайди. “Бундай беъмани гапларни йиғишиштир” деб койиб беришади, уни ўтириб тинглашмайди ва тўсатдан суицид рўй бериб қолади.


Истерик шахсларда суицид

- Асосан ёшларда кузатилади. Буни “Ёлғондакам суицид” деб ҳам аташади. Бундайлар бир нечта таблеткани ютиб юбориб шифохонага тушади, бироқ дорини кўп миқдорда қабул қилмайди ёки қўлини кесади ва бироздан сўнг қон кетаётган жойни боғлаб қўяди, унча баланд бўлмаган бинодан сакрайди ва оёғи синиб шифохонага тушади, узоқдан келаётган машина тагига ўзини отади (шофёр тормозни босишга улгуриши керак) ва ҳ.к. Бундан асосий мақсад – ўзига эътиборни қаратиш ва айтганини амалга ошириш. Агар унинг талаблари бажарилса, бошқа бундай қалтис ишга қўл урмайди.

Ният аён бўлса, ундан воз кечилади.

- Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, яширин тарзда ўз жонига қасд қилмоқчи бўлган шахснинг нияти атрофдагиларга аён бўлиб қолса, аксарият ҳолларда, у суициддан воз кечади. Чунки бундайларнинг асосий мақсади – суицидни ҳеч кимга билдиrmай яширин тарзда амалга ошириш. Улар шу тарзда ҳаётдан кўз юмушни хуш кўришади. Бу тилсим уларнинг ичидаги қолиши керак. Агар унинг сири ўзининг эҳтиётсизлиги туфайли ёки кучли психолог билан суҳбат чоғида ошкор бўлиб қолса, у суициддан воз кечади. Аммо бу одамда кейинги суицидал уринишларни тўхтатиб қолиб бўладими ёки йўқми, бу ҳолат шахс типига ва унинг асл мақсади нималигига боғлиқ. Шахс психопатизацияси, фанатизм ва суицидга бўлган обсессия мавжуд одамларда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш анча мушкул.

Суицид профилактикаси пирамидаси



Суицидологияда психотерапия

Ҳар кимнинг ўз вазифаси бор...

Суицидолог

- Суицидал уриниш рўй берган шахс билан ишлайди

Психиатр

- Рухий bemорларда суицидни олдини олади

Тиббий психолог
ва психотерапевт

- Невроз, депрессия ва агрессияни даволаб суицидни олдини олади

Ҳар кимнинг ўз вазифаси бор


- 1 • Суицидолог – суицидал уриниш қилган билан ишлайди.
- 2 • Психиатр – рұхий bemорларда суицидни олдини олади.
- 3 • Тиббий психолог – невроз, депрессия ва агрессияни даволаб суицидни олдини олади
- 4 • Социал психолог – ижтимоий мұхитга индивиднинг психологик адаптациясини таъминлайди.
- 5 • Умумий психолог – рұхан соғлом шахсни шакллантириб суицидни олдини олади.

Жамоатчилик ва мактаб психологлари

Суицид муаммоси билан фақат тиббиёт ходимлари ва психологлар эмас, балки кенг жамоатчилик ҳам шуғулланиши керак. Бу борада ҳар бир секторнинг ўзига яраша қиласидиган ишлари бор.

Жамоатчилик “Кризис марказлари” томонидан ишлаб чиқилган кенг оммага мўлжалланган адабиётлар, методик кўрсатмалар асосида ишлаши керак. Масалан, мактаб ёшидаги болалар орасидаги суицидал уринишларга нафақат оиладаги муҳит, балки мактаб ва лицейларда ўқувчига шахсиятига тегадиган нотўғри хатти-ҳаракатлар ҳам сабабчи бўлади. Бу ёшдагиларда суицидга ундовчи асосий омиллар истерия ва аутоагрессия экан, унинг келиб чиқишига йўл қўймаслик учун мактаб психологлари фаол бўлишлари керак. Бунда ўқитувчининг вазифаси ҳам жуда катта!

Суицид профилактикаси ва психотерапиясида асосий юк кимга тушади?



Қандай шахсларда психотерапия үтказиш ва суицидни олдини олиш қийин?

- Шахс психопатизацияси
- Фанатизм
- Суицидга бўлган обсессия

Суицид рўй бериши ҳавфини аниқлаш

Авваломбор психиатр ҳам, суицидолог кучли психолог бўлишлари керак. Суицидга биринчи бор уриниб тирик қолган шахс, кейинги уринишда, албатта, ниятига эришиши мумкин. Улар билан сұхбат олиб боришда ўта эҳтиёткор бўлиш лозим. Чунки бундай шахслар орасида суицид муваффақиятсиз чиққанидан, у юз ўғирган ҳаётга яна қайтганидан афсус чекадиганлар ва ҳаммага шарманда бўлдим, ундан кўра ўлиб кетсам бўлмасмиди, дейдиганлар ҳам бўлади.

Психотерапевтик сұхбатлар: дастлабки қадам

- Одатда суицидга кейинги уринишлар күп ҳолаттарда ўлим билан тугайды. Яшашдан кўра, ўлишни афзал кўрдими, демак унинг фикру-ҳаёли кейинги суицидни амалга оширишда бўлади. Бундайларни руҳий ногиронлар деб аташ мумкин. Улар жуда катта тиббий-психологик ва социологик реабилитацияга муҳтож ва суицидолог анча куч-ғайратни талаб қиласди. Бемор албатта суицидологга боради, унинг сұхбатлариға қулоқ тутади. Одамларни ўз жонига қасд қилишдан сақлаб қолувчи ушбу мутахассиснинг нималар дейиши ва қандай усусларни қўллаши унинг учун қизиқарли туюлади. Бундай пайтларда ноўрин айтилган бир оғиз сўз ёки суицидни аниқлаш учун қўлланилган саволнома bemor томондан нотўғри талқин қилиниши мумкин.

Психотерапевтик сұхбатлар: бемор ишончини қозониш

- Психотерапевтик сұхбатлар өткізу үшін савол-жавоб нега суицидга қўл ургани ҳақида әмас, балки мутлақ бошқа нарсалар, масалан үнинг касбига оид саволлар билан бошланиши керак. Масалан, у мусиқашунос бўлса, “Сизни жуда талантли инсон дейишади, агар мумкин бўлса битта куй чалиб берсангиз”, агар у соатсоз бўлса, “Қўл соатимни бир кўриб берасизми, анчадан бўён тўхтаб-тўхтаб ишляяпти”, агар у рассом бўлса, “Илтимос! Агар мумкин бўлса, менинг портретимни чизиб берасизми”, у компьютер устаси “Манашу ноутбукни бир кўриб берасизми, антивирус яхши ишламаяпти” қабилидаги саволлар билан унга мурожаат қилиб руҳий караҳт ҳолатда тушиб қолган инсонни секин-аста ҳаётга қайтариш мумкин. Бунинг учун авваломбор бир-икки психологик сұхбат орқали беморнинг ички дүнёсига кириб олиш ва уни мулоқотга чорлаш керак. Чунки суицидга уриниб тирик қолғанлар анча муддат ҳеч ким билан мулоқот қилгиси келмай юради.

Психотерапевтик сұхбатлар: психоанализ имкониятлари

- “Соғлом шахс” да рўй берган суицидга уринишлар ва давом этаётган суицидал фикрлар сабабини аниқлашда психоаналитик услугуб жуда қўл келади. Психоанализ ҳар доим бундай шахслар билан ишлашда юқори натижа берган. Шу боис “Кризис марказлар” да фаолият кўрсатадиган тиббий психологлар, психотерапевтлар, психиатрлар ва суицидологлар психоанализ ва психодинамик терапия бўйича малака ошириб туришади.

Тиббий психологнинг юки катта...

- Невроз, истерия, депрессия, агрессия, апатия, психопатия каби психоген касалликлар ва шахс бузилишлари аҳоли орасида жуда кенг тарқалган.
- Айнан манашу ҳолатлар бориб-бориб суицид омилига айланиши мумкин. Демак, тиббий психолог ва психотерапевтлар томонидан ишлаб чиқиладиган психогигиена ва психопрофилактика хизмати мукаммал ишлаши керак!

Дин имкониятларидан кенг фойдаланиш керак


- Ислом дини суицидни қаттық қоралайды. Шундай экан суицид профилактикаси билан шүғулланадиган мутахассислар үз жонига қасд қилишни қоралайдиган оят ва суръалардан воқиф бўлишлари ва улардан фойдаланишлари зарур.



Суицидни олдини олишда давлат ва жамиятни ўрни



- Олий мажлиснинг қонунчилик палатаси аҳоли орасида суицидни олдини олишга қаратилган қарор ва қонунлар қабул қилиши ва ушбу қарорларни ҳаётга тадбиқ қилишда маҳаллий ҳокимият органлари фаол ҳаракат қилишлари лозим. Аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш ва ишсизликни бартараф этиш суицидни кескин камайишига туртки бўлувчи омиллардир.



• Эътиборингиз учун
раҳмат!

Маъруза муаллифи



Зарифбой Ибодуллаев – тиббиёт фанлари доктори, профессор. Тошкент тиббиёт академиясида ишлайди. Неврология, нейропсихология ва тиббий психологияга оид бир нечта дарсликлар ва ўқув қўлланмалари муаллифи.

Эслатма: Ушбу маълумотлар муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган ва мутахассислар учун мўлжалланган. Ундан фойдаланаётганда манба кўрсатилишини унумтманг.

*Сайтимиз: www.asab.uz; © Z.Ibodullaev
Telegram kanalimiz: @tibbiypsixologiya*